

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

14-сон
(254)
2007 й.
март-апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

129. «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семи-палатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 апрелдаги ЎРҚ–80-сон Қонуни
130. «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 апрелдаги ЎРҚ–81-сон Қонуни
131. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–82-сон Қонуни
132. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–83-сон Қонуни

133. «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-84-сон Қонуни
134. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодксига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-85-сон Қонуни
135. «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-86-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

136. «Умумтаълим мактабларининг намунавий штатларини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 мартдаги ПҚ-609-сон қарори
137. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 мартдаги ПҚ-611-сон қарори
138. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 мартдаги ПҚ-612-сон қарори
139. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 апрелдаги ПҚ-613-сон қарори
140. «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ-614-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

141. «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида («Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 апрелдаги 68-сон қарори
142. «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 апрелдаги 69-сон қарори
143. «2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 70-сон қарори

146. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» 2006 йил 27 декабрдаги ПҚ-542-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 апрелдаги 73-сон қарори

Бешинчи бўлим

147. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/4-сон қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 773-23-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
148. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 14 мартдаги 31, 2007-25-сон қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 1107-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
149. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги 2-5/21, 34, ЭГ-01/10-1702, 01-02/8-10 -сон қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 1669-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 31 мартдан 6 апрелгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

129 Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда
маъқулланган

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 апрель,
ЎРҚ-80-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 3 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

130 «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда
маъқулланган

«Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённома (Минск, 2006 йил 23 июнь) қуйидаги шарт билан ратификация қилинсин:

«Мазкур Баённомага доир иловаларда назарда тутилган қуйидаги ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасига нисбатан қўлланилмайди:

1) 1-Иловадаги:

13 ва 15-бандлар. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1998 йилда Норин-Сирдарё сув омборлари мажмуасининг сув-энергетика захираларидан биргаликда ва комплекс фойдаланиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 1998 йил 17 март);

18-банд. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1999 йилда Норин-Сирдарё сув омборлари мажмуасининг сув-энергетика захираларидан биргаликда ва комплекс фойдаланиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 1999 йил 14 апрель — 6 май);

2) 3-Иловадаги:

4-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Алмати, 1994 йил 8 июль);

9-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги «Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Битим (Алмати, 1996 йил 23 август);

16-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 1999 йил 24 июнь);

27-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битим-га ўзгартиш киритиш ҳақидаги Баённома (Алмати, 2001 йил 5 январь)».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 апрель,
ЎРҚ-81-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

131 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 21 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги 818-І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи** хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати»;

2) **8-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концернининг» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни» деган сўзлар «Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 6 апрелда эълон қилинган.

3) **9-модданинг:**

номидаги «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Давлат автомобиль назорати инспекцияси» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **15-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат автомобиль назорати инспекциясининг» деган сўзлар «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **21-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 5 апрель,
ЎРҚ-82-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

132 «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги 736–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 6 апрелда эълон қилинган.

1) **2-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг қоидалари, агар «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотека билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қўлланилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **10-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Гаров нарсасини баҳолаш гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ гаров нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади»;

3) **22-модданинг:**

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **27-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

5) **37 — 41-моддалар** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **83-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради»;

2) **269-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар гаровга олувчига топширилмайди»;

3) **279-модданинг иккинчи қисми** «рад этиш мумкин» деган сўзлардан кейин «қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **280-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, но-

тариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Ресиубликасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Ресиубликаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданиш иккинчи қисмидаги** «туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида амалга оширилиб, ушбу бюро» деган сўзлар «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни рўйхатдан ўтказувчи органда амалга оширилиб, ушбу орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-моддадаги** «туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида» деган сўзлар «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни рўйхатдан ўтказувчи органда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

+

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

—

Тошкент ш.,
2007 йил 5 апрель,
ЎРҚ-83-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

133 Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **49-моддаси матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Никоҳ куйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади:

ушбу Кодекснинг 14 — 16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;

сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
ЎРҚ–84-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

134 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодксига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда) **185¹-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

—
энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 7 апрелда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) **219¹-моддасинининг санкциясидаги** «беш бараваридан ўн бараваригача» ва «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар тегишинча «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» ва «ўн беш бараваридан эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
ЎРҚ–85-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

135 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 22 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) **125-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, худди шунингдек мотоцикл хайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

2-модда. Ушбу Қонун 2007 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
ЎРҚ–86-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

136 Умумтаълим мактабларининг намунавий штатлари- ни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 26 февралдаги ПФ-3857-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек бюджет маблағларидан фойдаланишда таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг барча умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари)га белгиланган тартибда юридик шахс мақомини бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари)нинг амалдаги намунавий штатига, ўқувчиларнинг сонига қараб, иловага мувофиқ, нормативлар бўйича бухгалтер лавозимини киритсин ва 2007 йилда уларни малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин.

3. Умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари) раҳбарлари ва бухгалтерлари зиммасига тегишли молия ташкилотларининг халқ таълими муассасаларини молиялаш бўлимлари билан биргаликда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш юклатилсин:

педагог ходимлар тарификациясини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари) штат жадвали ва харажатлар сметасини тузиш ва уларни молия органларида рўйхатга олиш;

белгиланган тартибда рўйхатга олинган харажатлар сметасини товарлар ва хизматлар етказиб бериш бўйича шартномаларни фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий органлари орқали тузишни ҳисобга олган ҳолда бажариш;

белгиланган стандартларга мувофиқ умумтаълим мактаби (мактаб-интернати) бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботини олиб бориш;

тўловлар, ойлик маошни белгилаш ва тўлаш, нафақа ҳамда унга тенглаштирилган бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек халқ таълими муассасаларида моддий бойликларнинг ҳисоб-китобини олиб бориш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган штатлар, смета ва молия интизомига қатъий риоя қилишни таъминлаш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

юридик шахс мақомига эга халқ таълими муассасаси, шу жумладан умумтаълим мактаблари Директорлар фондининг бюджет маблағларининг бош бошқарувчиси мазкур муассаса раҳбари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ойлик маоши ва унга тенг тўловларни тўлаш учун нақд пул берувчи моддий-масъул шахс (кассир)нинг вазифаси умумтаълим мактабларининг маъмурий-хўжалик бўйича директор ўринбосари ёки хўжалик мудирининг зиммасига уларнинг лавозими учун белгиланган окладига энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида қўшимча ойлик маоши белгилаш билан юкланади;

бухгалтер штат лавозимини тўлдиргунга қадар юридик шахс мақомига эга умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари) раҳбарлари бегараз шартнома асосида бухгалтерлик ҳисоб-китоб вазифаларини юритишни мутасадди ҳудудий молия органларига топшириш ҳуқуқига эга бўладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, молия органлари ва халқ таълими ҳудудий бўлинмалари:

икки ой муддатда умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари) штат жадвали ва харажатлар сметасини мазкур қарор қоидаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин;

2007 йилнинг 15 июнидан кечиктирмай юридик шахс мақомига эга барча умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари) томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг мутасадди ҳудудий бўлинмаларида шахсий ҳисобрақамларнинг очирилишини якунласин.

6. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) молия органлари ва бўлинмалари юридик шахс мақомига эга умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари)ни молиялаштириш йилида молиялаштиришга йўналтирилган давлат ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан ҳар чоракда назоратни амалга оширишлари шарт.

7. Белгилансинки, умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлар)га бухгалтерлар лавозимларини киритиш ва моддий-масъул шахслар (кассирлар) учун белгиланган устама ҳақлар билан боғлиқ харажатлар 2007 йилги Давлат бюджетининг «Таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 март,
ПҚ-609-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 29 мартдаги
ПҚ-609-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлари)даги
бухгалтерлар сонининг нормативи**

Халқ таълими муассасалари	Бухгалтерлар сонининг нормативи (бирлик)
I. Умумтаълим мактаблари ўқувчилар сони билан:	
— 400 тагача бўлган ўқувчилар	0,5
— 401 тадан 880 тагача бўлган ўқувчилар	1,0
— 880 тадан ортиқ бўлган ўқувчилар	1,5
II. Барча турдаги мактаб-интернатлари ўқувчилар сони билан:	
— 250 тагача бўлган ўқувчилар	1,5
— 250 тадан ортиқ бўлган ўқувчилар	2,0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

137 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Украина Ҳукумати ўртасида 1994 йил 29 декабрда имзоланган эркин савдо тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 2004 йил 25 июнда Тошкент шаҳрида имзоланган Протокол тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг уларда кўзда тутилган мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 март,
ПҚ-611-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

138 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фойдаланилган автотранспорт воситалари олиб кирилишини тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарорининг 9-2-рақамли иловасига иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

Белгилансинки, киритилган ўзгартишлар 2007 йилнинг 1 апрелидан бошлаб кучга киради.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 март,
ПҚ-612-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

139 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари лавозими тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги бошлиғи — молия вазири ўринбосари лавозими киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 25 мартдаги ПҚ-36-сонли қарорнинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 апрель,
ПҚ-613-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**140 Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик
муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида**

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ва «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик воситалари ҳамда криптография тизимларидан фойдаланган ҳолда махфий ёки давлат сирларидан иборат бўлган маълумотлар баён этилган ахборотни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ва маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлашни таъминловчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. Қўйидагилар Миллий хавфсизлик хизматининг ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий вазифалари этиб белгилансин:

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари ва тизимларини ривожлантириш ҳамда фойдаланиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда шакллантириш ва амалга ошириш;

ахборотни криптографик муҳофаза қилишни стандартлаштириш, сертификатлаш ва лицензиялаш, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни таъминлаш;

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ахборотни криптографик муҳофаза қилишнинг маҳаллий воситаларини ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, қўйидагилар:

давлат сирларидан иборат бўлган маълумотлар баён этилган ахборотни;

давлат ташкилотларининг мулки ҳисобланган махфий ахборотни;

ташкилотлар томонидан товарлар ва хизматларни давлат ташкилотлари эҳтиёжлари учун етказиб беришда уларнинг идоравий мансублиги ва мулкчилик шак-

лидан қатъи назар, махфий ахборотини криптографик муҳофаза қилишда фойдаланиладиган ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари, шу жумладан хорижда ишлаб чиқарилган воситалари мажбурий равишда сертификатлаштирилиши шарт.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилиш тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини сертификатлаш тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) «Ўзстандарт» агентлиги (Р. Бўриев) билан биргаликда ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида тегишли стандартлар, норматив ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р. Қосимов), МХХ билан келишилган ҳолда, ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишни таъминласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги (Р. Бўриев) белгиланган тартибда МХХни ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида махсулот (хизмат)ларни сертификатлаш ҳуқуқини олишга аккредитациядан ўтказсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов) ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларидан ёки криптотизимлардан фойдаланишни назарда тутувчи ахборот тизимларини яратиш бўйича лойиҳалар экспертизасини ўтказишда мазкур лойиҳаларнинг МХХ билан келишиб олиншини таъминласин.

9. Ахборотни криптографик муҳофаза қилиш маҳаллий воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш мақсадида харид қилинадиган дастурий ва техника воситалари, назорат-ўлчов ҳамда тадқиқот комплекслари, шунингдек фойдаланиш материаллари МХХнинг тасдиқловчи хати бўлган тақдирда божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

10. Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 3 апрель,
ПҚ-614-сон

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

141 Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида («Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ–78-сон Қонуни)

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ–78-сон Қонунига мувофиқ ҳамда маҳсулотлари глобал Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 апрель,
68-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 2 апрелдаги 68-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Оммавий ахборот воситаси дейилганда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотно-малар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади) шакли ҳамда ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари тушунилади»;

тўртинчи — еттинчи хатбошидаги «кино-, видеодастурлар» сўзлари «видео-, кинохроникал дастурлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «кино-, видеодастурлар» сўзлари «видео-, кинохроникал дастурлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «юридик ёки жисмоний шахс» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Оммавий ахборот воситаларини (маҳсулотлари глобал Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно) давлат рўйхатидан ўтказиш учун муассис ёки унинг томонидан вакил қилинган шахс рўйхатдан ўтказувчи органга 1-иловага мувофиқ шаклда ариза беради.

Маҳсулотлари глобал Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун муассис ёки унинг томонидан вакил қилинган шахс рўйхатдан ўтказувчи органга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза беради».

3. 5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Маҳсулотлари глобал Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари учун таъсис ҳужжатлари тақдим этилиши шарт эмас».

4. 6-банддаги «1-иловага» сўзлари «3-иловага» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «2-иловага» сўзлари «4-иловага» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Оммавий ахборот воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш оммавий ахборот воситаси таъсис ҳужжатларига, шунингдек муассис тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатларга, номига, тилига, турига, мақсад ва вазифаларига ҳамда оммавий ахборот воситаси ихтисослашувига ўзгартириш киритилганда амалга оширилади. Қолган ҳолларда муассис ёки таҳририят бир ой муддатда рўйхатдан ўтказувчи органи ёзма равишда хабардор қилишлари керак».

7. 17-банддаги «3-иловага» сўзлари «5-иловага» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 23-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан ўқув ва илмий муассаса)нинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун тиражи юз нусхагача бўлган даврий босма нашрлари;

тарқатилиши бир корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан ўқув ва илмий муассаса)нинг биноси ва (ёки) ҳудуди билан чекланган кабель тармоқлар орқали узатиладиган теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, аудиовизуал хабарлар ва материаллар»;

бешинчи хатбошидаги «ўн нусхадан ортиқ бўлмаган тиражда ёзилган аудио-ва видеодастурлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Қўйидаги мазмундаги 1 ва 2-иловалар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасида оммавий
ахборот воситаларини давлат рўйхатидан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Рўйхатдан ўтказувчи органга
_____ томонидан**

Ариза

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарорига мувофиқ «_____»ни оммавий ахборот воситаси (кейинги ўринларда ОАВ деб аталади) сифатида рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.

Муассис (муассислар): _____

(ОАВ муассиси (муассислари)нинг тўлиқ номи ёки Ф.И.О.)

ОАВ номи ва тури: _____

(ОАВнинг тўлиқ номи ва тури)

ОАВ тили: _____

(ОАВ чиқариладиган (эшиттириладиган) тил)

Мақсади ва вазифалари: _____

(мақсади ва вазифалари қисқача баён қилинади)

Ихтисослашуви: _____

(ОАВ фаолиятининг асосий йўналишлари (маънавий-маърифий,

ижтимоий-сиёсий, илмий-амалий, иқтисодий, ахборот ва бошқалар)

Тарқатиш ҳудуди: _____

(ОАВ тарқатиладиган ҳудуд)

Даврийлиги: _____

(бир ҳафта, ой ва бошқалар мобайнида чиқариш сони ёки эшиттириш соати)

Молиялаштириш манбаи: _____

(молиялаштиришнинг асосий манбалари)

**Таҳририят жойлашган
жой (почта манзили):** _____

(таҳририятнинг юридик (почта) манзили — шаҳар, туман, кўча, уй (квартира))

**Таҳририят тўғрисидаги
бошқа маълумотлар:** _____

(таҳририят тўғрисидаги бошқа маълумотлар, шу жумладан

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

телефон, факс, электрон почта манзили)**Ҳажми:** _____

(босма нашр тиражи, формати ва бетлар сони, теле-, радиодастурлар бир

кунда эшиттириладиган соат)

Муассис ёки таҳририят бошқа қайси оммавий ахборот воситаларига муассис, ишончли бошқарувчи, ношир, тарқатувчи (барча аффилиланган шахслар ва ҳар бир шахснинг таҳририят устав фондидаги улуши миқдорлари кўрсатилган ҳолда) ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим. Агар бундай ҳолат бўлмаса бошқа оммавий ахборот воситалари фаолиятида иштирок этмаслиги кўрсатилиши керак.

Муассис

(Раҳбар лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

(муҳр ўрни)

_____ (имзоланган сана)

Ўзбекистон Республикасида оммавий
ахборот воситаларини давлат рўйхатидан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Рўйхатдан ўтказувчи органга
_____ томонидан**

Ариза

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарорига мувофиқ умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги «_____» веб-сайт (портал)ни оммавий ахборот воситаси (кейинги ўринларда ОАВ деб аталади) сифатида рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.

Муассис (муассислар): _____

(ОАВ муассиси (муассислари)нинг тўлиқ номи ёки Ф.И.О.)

ОАВ номи: _____

(ОАВнинг тўлиқ номи)

ОАВ тили: _____

(ОАВ чиқариладиган (тарқатиладиган) тил)

Мақсади ва вазифалари: _____

(ОАВ мақсади ва вазифалари қисқача баён қилинади)

Ихтисослашуви (йўналиши): _____

(ОАВ фаолиятининг асосий йўналишлари (маънавий-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

маърифий, ижтимоий-сиёсий, илмий-амалий, иқтисодий, ахборот ва бошқалар)

Домен (интернет-ресурс) номи: _____

(ОАВ маҳсулоти тарқатиладиган домен (интернет-ресурс)нинг

муассис (эгаси) ёки вакил қилинган шахс номига рўйхатдан ўтказилган номи)

Жойлаштириладиган ахборотни

янгилаш даврийлиги: _____

(жойлаштириладиган ахборотни бир кунда, бир ҳафтада, бир ойда янгилаш сони)

Молиялаштириш манбаи: _____

(молиялаштиришнинг асосий манбалари)

ОАВ чиқарилиши учун

масъул шахслар (таҳририят)

тўғрисидаги маълумотлар: _____

(яшаш жойи (таҳририят жойлашган жой, почта манзили),

телефон, факс, электрон почта манзили)

— **Муассис ёки таҳририят бошқа қайси оммавий ахборот воситаларига муассис, ишончли бошқарувчи, ношир, тарқатувчи (барча афилланган шахслар ва ҳар бир шахснинг таҳририят устав фондидаги улуши миқдорлари кўрсатилган ҳолда) ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим. Агар бундай ҳолат бўлмаса бошқа оммавий ахборот воситалари фаолиятида иштирок этмаслиги кўрсатилиши керак.**

+

Муассис

(Раҳбар лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

(муҳр ўрни)

_____ (имзоланган сана);

1—3-иловалар тегишли равишда 3—5-иловалар деб ҳисоблансин.

10. 3-иловада:

«Оммавий ахборот воситаси тури» устунидаги «кино-, видеодастурлар» сўзлари «видео-, кинохроникал дастурлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Рўйхатдан ўтказиш йиғими миқдори» устунидаги «10» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**142 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 февралдаги ПҚ-589-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 апрель,
69-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 2 апрелдаги 69-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банднинг тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, телекоммуникациялар ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш учун телекоммуникациялар турли операторлари, идоравий тармоқлар эгалари тармоқларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш тизимини яратиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, муҳофаа ва миллий хавфсизлиги манфаатлари йўлида тармоқлардан устувор фойдаланишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш — Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш республика маркази»;

2. 9-бандга қуйидаги таҳрирдаги ўн олтинчи хатбоши қўшилсин:

«телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, телекоммуникациялар ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш учун телекоммуникациялар турли операторлари, идоравий тармоқлар эгалари тармоқларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш тизимини яратиш,

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, муҳофаа ва миллий хавфсизлиги манфаатлари йўлида тармоқлардан устувор фойдаланишни таъминлаш бўйича ишлар мувофиқлаштирилишини ташкил этади»;

ўн олтинчи — қирқ учинчи хатбоши тегишли равишда ўн еттинчи — қирқ тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 13-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«фавқулодда вазиятларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзила, сув тошқини, ёнғин, эпидемияларда ва бошқаларда) почта алоқаси, телекоммуникациялар ва ахборот тизимларининг ҳар қандай тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, уларнинг фаолият кўрсатишини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш, шунингдек телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан марказлаштирилган бошқариш, телекоммуникация хизматлари махсус истеъмолчиларининг телекоммуникациялар тармоқларидан ташқари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

143 2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида

Пахта тозалаш саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг, шунингдек корхоналар акциядорларининг эскирган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ишдан чиққан асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст бўлган, шунингдек йирик шаҳарларда жойлашган 1-илова*га мувофиқ 30 та пахта тозалаш корхонасини 2007 йил 1 августгача тугатиш, бунда тайёрлов пунктларининг мавжуд тармоғини сақлаб қолиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

* 1-2-илвалар берилмайди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳар ярим йиллик якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига Дастурнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, тижорат банкларининг 2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастурини манбалар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси махсус субҳисоб рақамида жамланадиган, сотилган пахтани қайта ишлаш маҳсулотлари қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағлар ҳисобига, шунингдек «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг устав фондларидаги акцияларнинг давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобига молиялаштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин. Маблағларни жамлаш ва улардан фойдаланиш тартиби схемага (3-илова*) мувофиқ белгиланади;

модернизация қилинадиган пахта тозалаш корхоналарининг соф фойда шаклидаги ўз маблағлари ва ҳисобланган амортизация ажратмаларининг жами суммаси;

тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига молиялаштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан биргаликда Пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш учун мўлжалланган маблағларни Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси махсус субҳисоб рақамида жамлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси махсус субҳисоб рақамида жамланадиган маблағлардан корхоналарнинг ўз маблағларидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда, модернизация қилинаётган корхоналарга асбоб-ускуналар етказиб берилиши учун аванс тўлаш ва фақат буюртмачи томонидан тақдим этилган қабул қилиш далолатномалари асосида амалда бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоб қилиш учун босқичма-босқич молиялаштириладиган тартиб белгилансин.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси махсус субҳисоб рақамидан модернизация ва реконструкция қилиш учун пахта тозалаш саноати корхоналарига йўналтириладиган маблағлар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди ҳамда солиқлар ва солиқ бўлмаган мажбурий тўловлар ҳисобланадиган базага киритилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси Жамғарманинг махсус субҳисоб рақамидан пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Қуйидагилар:

«Ўзенгилсаноатлойиҳа» институти — пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларнинг бош лойиҳаловчиси;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари лойиҳаларнинг бош буюртмачилари;

«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг «Пахта тозалаш ИИЧБ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва рекон-

* 3-илова берилмайди.

струкция қилиш устидан техник назоратни амалга оширувчи ташкилот этиб белгилансин.

Пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишда қатнашувчи пудрат ташкилотларининг белгиланган тартибда танлов (тендер) асосида аниқланиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклларида қатъи назар, пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича барча лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигида экспертизадан ўтказилиши керак.

Лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширишга, биринчи навбатда, корхоналарнинг техник пахта чигити тежалишини, сифатли, рақобатга бардошли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, пахта тозалаш саноати корхоналари учун четдан келтириладиган 4-иловага* мувофиқ технологик, ёрдамчи ва транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари 2007 — 2011 йиллар даврида божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно) озод қилинсин.

8. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

1-иловага мувофиқ тугатилаётган корхоналарнинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни комплекс хатловдан ўтказсин ва баҳоласин ҳамда хатлов якуналарига кўра уларнинг балансида бўлган бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни танлов савдоларида сотиш бўйича таклифлар тайёрласин;

2006 йил ҳосили пахта хом ашёсини қайта ишлаш тугаллангандан кейин пахта тозалаш корхоналарининг ва «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг устав фондларини ва акциялари пакетларини белгиланган тартибда таркибий ўзгартирсин, бунда тугатилаётган корхоналар тайёрлов пунктларининг яқин жойдаги пахта заводлари балансига берилишини назарда тутсин.

9. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси 2007 йил 1 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари, тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини жойлаштиришнинг янги тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси паст рентабелли пахта тозалаш корхоналарини тугатиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни келгусида ишга жойлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар тайёрласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили инвестиция дастурини шакллантиришда унга Дастурда белгиланган лойиҳаларни амалга оширишни киритишни назарда тутсинлар.

* 4-илова берилмайди.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 3 апрель,
№ 70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

146 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» 2006 йил 27 декабрдаги ПҚ–542-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» 2006 йил 27 декабрдаги ПҚ–542-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 4 апрель,
73-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 4 апрелдаги 73-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни ва унинг транзитини тақиқлаш тўғрисида» 1998 йил 15 майдаги 213-сон қарорининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини транспортнинг барча турлари билан олиб келиш тақиқлансин.

Этил спиртининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали транзити фақат Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади, ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Этил спиртининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали учинчи мамлакатлар ҳудудидан Евро-Осиё иқтисодий ҳамжамияти аъзоси бўлган давлатлар ҳудудига ёхуд Евро-Осиё иқтисодий ҳамжамияти аъзоси бўлган давлатлар ҳудудидан учинчи мамлакатлар ҳудудига транзити фақат темир йўл транспортида амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадида текшириш ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 16-бандининг учинчи хатбошига «ваколатли органини» сўзларидан кейин «Евро-Осиё иқтисодий ҳамжамияти аъзоси бўлган давлатларни» сўзлари қўшилсин.

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

147 «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
31 мартда 773-23-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 10 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, август, 369-модда) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви
раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 9 март,
8/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

148 Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
31 мартда 1107-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 10 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25, 2002-13-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 11 март, рўйхат рақами 1107 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон, 19-сон; 2003 й., 5-6-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 89-модда; 2005 й., 10-11-сон, 81-модда; 2006 й., 6-7-сон, 41-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 март,
31-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 март,
2007-25-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

149 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тас- диқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
31 мартда 1669-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 10 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизация-
лаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-банди-
га мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда бож-
хона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳти-
ёт қисмлар рўйхати тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор 2007 йил 10 апрелдан кучга киритилсин.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 март
2-5/21-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 март
34-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 март
ЭГ-01/10-1702-сон

**Давлат божхона қўмитасининг
раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 март
01-02/8-10-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Давлат божхона
қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги
2-5/21, 34, ЭГ-01/10-1702,
01-02/8-10-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда
божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар,
бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлари
рўйхати**

№№ п/п	ТИФ ТН коди	Товарнинг қисқача номланиши
1	7304 10, 7305 11, 7305 12, 7305 19, 7306 10	Нефт ва газ қувурлари
2	7304 21, 7304 29, 7305 20, 7306 20	Нефт ёки газ конларини бурғулаш учун айланма, насос-компрессор ва бурғулаш қувурлари
3	8401	Ядровий реакторлар; ... изотопларни ажратиш учун жиҳозлар ва мосламалар
4	8402	Буг ёки бошқа буг ишлаб чиқарувчи қозонлар; ... бугни қайта иситувчи сув қозонлари
5	8403 (8403 10 900 дан ташқари)	Марказий иситиш қозонлари, 8402 товар позициясидаги қозонларидан ташқари
6	8404	8402 ёки 8403 товар позицияли қозонларда фойдаланиладиган қўшимча жиҳозлар ..., бугли-сувли ёки бошқа кучланишли мосламалар учун конденсаторлар
7	8405	Газогенераторлар ёки тозалаш мосламаси бор сувли газ генераторлари ...
8	8406	Сув буғидаги турбиналар ва бошқа буғли турбиналар
9	8410	Гидротурбиналар, сув ғилдираклари ва уларнинг регуляторлари
10	8412	Двигателлар ва бошқа кучланишли мосламалар
11	8413 40 000 - 8413 91 (8413 70 210, 8413 70 290, 8413 70 910, 8413 70 990дан ташқари)	Ёқилғи насослари, мойли ёки ички ёниш двигателларига совутувчи суюқлик қуйиш учун насослар ..., насослар қисмлари
12	8414 (8414 20, 8414 51, 8414 60 000 дан ташқари)	Ҳаво ва вакуум насослари ...
13	8415 81 901	Саноат кондиционерлари ...
14	8417	Горнлар ва саноат ёки лаборатория ўчоқлари ...
15	8418 61 - 8418 69	Бошқа совутиш ва музлатиш жиҳозлари; иссиқлик насослари
16	8419	Машиналар, ҳарорат ўзгариши билан боғлиқ жараёнда материалларга ишлов бериш учун ... электр билан ва бошқа тарзда исийдиган саноат жиҳозлари ...
17	8420	Каландарлар ва бошқа валкали машиналар ...
18	8421 (маиший сув филтрларидан ташқари)	Центрифугалар, шу жумладан марказдан қочувчи куритгичлар; суюқлик ва газларни филтрация қилиш ёки тозалаш учун жиҳозлар ва мосламалар
19	8423 (8423 10, 8423 81 500, 8423 90 000 дан ташқари)	...товарларни тортиш учун жиҳозлар, шу жумладан, тортилаётган юк вазни билан ҳаракатга келтириладиган ҳисоблаш ёки назорат машиналари ...
20	8424 30	Пурковчи ёки сочувчи машиналар ва шунга ўхшаш супуриш мосламалари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

№№ п/п	ТИФ ТН коди	Товарнинг қисқача номланиши
21	8424 89 300	Металл чиқиндиларини тозалаш машиналари...
22	8425 (8425 42 900 дан ва автомобиллар учун кўчирма домкратлардан ташқари)	Юк кўтаргич талилар ва кўтаргичлар..., лебедкалар ва кабестанлар; домкратлар
23	8426	Кема деррик-кранлари; кўтариш кранлари ..., юк кўтариш крани билан жиҳозланган аравачалар
24	8427	Паншахасимон илгакли авто юк ортгичлар; юк кўтаргич ёки юк ортиш-тушуриш мосламалари билан жиҳозланган бош юк ортгичлар
25	8428 (фуқаролик қурилишида ишлатиладиган лифтлардан ташқари)	Кўтариш, силжитиш, ортиш ва тушуриш машиналари ва мосламалари ... бошқалар
26	8429	Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, тархлагичлар..., ўзиюрар йўл катоклари
27	8430	Тархни кўчириш, тупроқни зичлаш, чуқурлаштириш ёки бургулаш машиналари ва бошқа механизмлар, ...; қозиқоёқларни қоқиш ва чиқариш учун жиҳозлар; плугли ва ротор қор тозалагичлар
28	8433 (8433 11, 8433 19, 8433 20, 8433 53 100 дан ташқари)	Қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиш ёки янчиш учун машиналар ва механизмлар, шу жумладан пресс-йиқувчилар ...
29	8434	Соғиш мосламалари ва аппаратлари, сутга ишлов бериш ва сутни қайта ишлаш жиҳозлари
30	8435	Виночилик, сидр, мева шарбатлари ёки шунга ўхшаш ичимликларни ишлаб чиқариш учун пресслар, майдалагичлар ва шу каби машиналар
31	8436 (8436 91 000, 8436 99 000 дан ташқари)	Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги, паррандачилик ёки асаларичилик учун бошқа жиҳозлар ...
32	8437	Уруғ, дон ёки қуруқ дуккакли экинларни тозалаш, навларга ажратиш ёки туксизлантириш машиналари; ун тортиш саноатига оид жиҳозлар...
33	8438	Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ичимликларни..., мол ёғи ёки учувчан бўлмаган мойлар ёки мойларни экстрагирлаш ёки саноат йўли билан тайёрлаш учун жиҳозлар
34	8439 (8439 99 дан ташқари)	Толали целлюлоза материалларидан масса тайёрлаш ёки қоғоз ёки картонга ишлов бериш учун жиҳозлар
35	8440	Муқовалаш учун жиҳозлар, шу жумладан китоб блокларини тикиш учун жиҳозлар
36	8441	Қоғоз массаси, қоғоз ёки картондан маҳсулот ишлаб чиқариш учун жиҳозлар, шу жумладан барча турдаги кесиш машиналари ва бошқалар
37	8442 (8442 50 дан ташқари)	Босма блокларни тайёрлаш ёки ясаш учун шрифт қўйиш ёки шрифт териш машиналари, аппаратура ва жиҳозлар ...
38	8443	Босма машиналар..., босиб чиқариш жараёнида қўлланиладиган қўшимча машиналар
39	8444 00	Сунъий тўқимачилик материалларини экструдирлаш, чўзиш, текстурлаш ёки кесиш учун машиналар
40	8445	Тўқимачилик толаларини тайёрлаш учун машиналар ..., тўқимачилик калавасини ясаш учун тўқиш, эшиш ёки чийириш машиналари ва бошқа жиҳозлар ...

№№ п/п	ТИФ ТН коди	Товарнинг қисқача номланиши
41	8446	Тўқимачилик дастгоҳлари
42	8447	Трикотаж, тўқиш-тикиш машиналари..., тафтинг машиналар
43	8448	8444, 8445, 8446 ёки 8447 товар позицияли машиналардан фойдаланиш учун қўшимча жиҳозлар ...
44	8449 00 000	Намат ёки фетр ёки парча ёки бичиш пайтидаги нотўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш ёки ишлов бериш; ... шляпалар ясаш учун қолиплар
45	8451	Ювиш, тозалаш, сиқиш, қуритиш, дазмоллаш, преслаш ..., оқартириш, бўяш, аппретирлаш, безаш, калава, матолар ёки тайёр тўқимачилик маҳсулотларини қоплаш ёки шимдириш учун жиҳозлар ...
46	8452 21 000, 8452 29 000	Тикув машиналари ...
47	8453	Тери ёки пўстин тайёрлаш, ошлаш ёки ишлов бериш учун ёки пойабзал ясаш ёки таъмирлаш учун жиҳозлар ...
48	8454	Металсозлик ёки қўймачилик саноатида ишлатиладиган конвертерлар, қуйиш ковши, изложницалар ва қуйиш машиналари
49	8455	Прокат дастгоҳлари ва улар учун валкалар
50	8456	Лазер нури ёки бошқа ёруғлик ёки фотон нури ёрдамида олиб ташлаш йўли билан ҳар қандай материаларга ишлов бериш учун дастгоҳлар ...
51	8457	Металга ишлов бериш учун ишлов бериш марказлари, бир позицияли ва кўп позицияли агрегат дастгоҳлари
52	8458	Токарлик ... метал кесувчи дастгоҳлар
53	8459	Метал кесувчи ... ташқи ва ички резъбани пармалаш, йўниб кенгайтириш, фрезировка қилиш учун дастгоҳлар ...
54	8460	Дағал ишлов бериш-силлиқлаш, йўниб кенгайтириш, силлиқлаш, хонинглаш, махсус ишлов бериш, полировка қилиш дастгоҳлари...
55	8461	Бўйламасига ишлов бериш, ёнламасига ишлов бериш, узун ва чўзиқ дастгоҳлар ...
56	8462	Металларга буртма қолиплаш, болғалаш ёки қолиплаш орқали ишлов бериш учун ... дастгоҳлар
57	8463	Бошқа металларга ёки металлокерамикага олиб ташлашсиз ишлов бериш дастгоҳлари ...
58	8464	Тош, сопол, бетонга ишлов бериш учун дастгоҳлар ...
59	8465	Ёғоч, пўкак, суяк, эбонит қаттиқ пластмасса ёки шунга ўхшаш қаттиқ материалларга ишлов бериш учун ... дастгоҳлар
60	8468	Паст ҳароратли кавшарлаш, юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун жиҳозлар ва аппаратлар ...
61	8474	Тупроқ, тош, рудаларни ... навларга ажратиш, ғалвирдан ўтказиш, смепарация қилиш, ювиш учун жиҳозлар...
62	8475	Электр ёки электрон лампалар, трубкалар ёки электрон-нурли трубкаларни йиғиш учун машиналар ...
63	8477	Резина ёки пластмассага ишлов бериш ёки шу материаллардан маҳсулот ишлаб чиқариш учун жиҳозлар ...
64	8478	Тамаки тайёрлаш ва ясаш учун машиналар ...
65	8479 (8479 10 000, 8479 89 100, 8479 90 100, 8479 90 920, 8479 90 970 дан ташқари)	Индивидуал функцияларга эга машиналар ва механик мосламалар ...

№.№ п/п	ТИФ ТН коди	Товарнинг қисқача номланиши
66	8504 (8504 21 000, 8504 22 100, 8504 22 900, 8504 33 900, 8504 34 000 дан ташқари)	Электр, статик трансформаторлар ...
67	8514	Саноат ёки лаборатория электр ўчоқлари ва камералари ...
68	8515 (8515 80 110 дан ташқари)	Электр, лазер ёки бошқа ёруғлик ёки фотон ёрдамида ... паст ҳароратли кавшарлаш ёки юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун машиналар ва аппаратлар
69	8525 (8525 30, 8525 40 дан ташқари)	Радиотелефон, радиотелеграф алоқа, радиоэшиттириш ёки телевидение учун узатиш аппаратураси ...
70	8526	Радиолокациявий, радионавигациявий аппаратура ва масофали бошқариш учун радиоаппаратура
71	8530 10 000	Темир йўл ёки трамвай йўллари учун жиҳозлар
72	8543 (8543 81 000 дан ташқари)	Ушбу гуруҳнинг бошқа жойида номи келтирилмаган ёки унга киритилмаган индивидуал функцияларга эга электр машиналар ва аппаратура
73	8702 - Евро 2 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган туристик автобуслар (республикада ишлаб чиқариладиган ва фойдаланилган автобуслардан ташқари)*	Ҳайдовчи билан бирга 30 киши ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
74	8704 - 8705 (фойдаланилганлардан ташқари) Евро 2 ва ундан кейинги стандартларга жавоб берадиганлардан ташқари*	Юк сифими 10 тоннадан ортиқ бўлган ... махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари
75	8709	Заводлар, омборлар, бандаргоҳлар ёки аэропортларда юкларни қисқа масофаларга ташишда фойдаланиладиган саноат мақсадларига мўлжалланган, ўзиюар, кўтариш ёки юк ортиш мосламалари билан жиҳозланмаган транспорт воситалари
76	9018	Тиббиётда, жарроҳликда қўлланиладиган асбоблар ва мосламалар ...
77	9022 19 000, 9022 29 000 (саноатда фойдаланиш учун)	Рентген, альфа-, бета- ёки гамма нурларидан фойдаланишга асосланган аппаратура ... бошқалар
78	9024	Қаттиқлик, пишиқлик, сиқилиш, қайишқоқлик ёки бошқа механик хусусиятлар ва материалларни синаб кўриш учун машиналар ва мосламалар ...
79	9025	Суюқликка чўктириш пайтида амал қилувчи ареометрлар ва бошқа шунга ўхшаш асбоблар ...
80	9026	Суюқлик ва газларнинг сарфланиши, даражаси, босими ва бошқа ўзгарувчан характеристикаларини ўлчаш учун асбоблар ва аппаратура ...
81	9027	Физикавий ва кимёвий таҳлил учун асбоблар ва аппаратура ...
82	9030	Осциллоскоплар, спектрометрлар, электр ҳажмини ўлчаш ва назорат қилиш учун бошқа асбоблар ва аппаратура ...
83	9031	Ўлчов ёки назорат асбоблари, мосламалар ва машиналар ...

№ п/п	ТИФ ТН коди	Товарнинг қисқача номланиши
84	9032	Автоматик регулировка ва бошқарув учун асбоблар ва мосламалар

*Бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловлари бўйича имтиёзлар улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга етказиб берилган тақдирда амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 31 мартдан 6 апрелгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/4-сон қарори.*

2007 йил 31 мартда 773-23-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 10 апрелдан кучга киради).

2. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 14 мартдаги 31, 2007-25-сон қарори.*

2007 йил 31 мартда 1107-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 10 апрелдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги 2-5/21, 34, ЭГ-01/10-1702, 01-02/8-10 -сон қарори.*

2007 йил 31 мартда 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 10 апрелдан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан
ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда
амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Ўзбекистон Республикасида даволаш-профилактика жойларида шифобахш озиқ-овқатларни ташкиллаштириш тўғрисида» 1993 йил 19 мартдаги 122-сон ва «Республика аҳолисига кўрсатиладиган бепул тиббий-санитария хизматлар турлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 11 январдаги 9-сон буйруқлари.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилот-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган норматив ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.